

# **“ҚОРАСУВ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ**

**Тошкент вилояти,  
Ўртачирчиқ тумани,  
Мунаввар кўчаси, 52-уй**

**2023 йил 23 июнь**

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Мунаввар кўчаси, 52-уда “Қорасув пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **11:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **11:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **12:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 654 648 дона.

“Қорасув пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2022 йил 22 майдаги 36-сонли таклифи инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2023 йил 26 майда қабул қилинган қарорга мувофик ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана - 2023 йил 19 июнь.

Жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 26 майда ўтказилған йиғилишида акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида қатнашиш ваколати жамият кузатув кенгаши аъзоси Ж.Жуманиязовга берилганлиги муносабати билан Жуманиязов Жушкинбек Азимбаевичга йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қўйидагилар сайланди:

**1. А.Мухаммадиев - “Тошкентпахтасаноат” ҲАБ АЖ вакили;**

**2.Ю.Парпиева - “Қорасув пахта тозалаш” АЖ бош хисобчиси.**

Йиғилиш котиби этиб Д.Ниязова – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими хизматчиси сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси аъзоси У.Курбанбаевага берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

• Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2023 йил 19 июнь ҳолатига шакллантирилган “Қорасув пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофик, йиғилишда овоз бериш учун 218 та акциядорга тегишли 654 648 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 351 904 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 1 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 53,75 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) хисобланади.

Йиғилишга таклиф этилгандар:  
К.Юсупов – жамият бош директори;  
Ю.Парпиева – бош хисобчиси.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

#### КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. Жамиятнинг 2022 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг хисботини тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.

4. Жамият ташқи аудиторининг 2022 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.

5. Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича хисботини тасдиқлаш.

6. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

7. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.

8. 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

9. Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.

10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

11. Жамият ижро органи ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш.

12. Жамият активларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш, жумладан мулкларни тўғридан-тўғри ёки оммавий савдоларда сотиш, хисобдан чиқариш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқарув органлари балансига ўтказиш.

13. Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, мухокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш катнашчиларига ўқиб эшилтириди. Мазкур йиғилиш кун тартибидаги 13 та масала кўрсатилганлигини ва хар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсаддага мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун

акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгashi томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 2 июндаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркибига жамиятнинг иш хақи хисобчиси – У.Курбанбаева, Жамиятнинг молия масалалари бўйича директори - бош хисобчиси Ю.Парпиева ва Жамиятнинг материал харажатлар хисобчиси Д.Мухамедзяновалар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан саноқ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

#### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 351 904 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**2. Уч кишидан иборат қўйидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқлансин:**

- 1) Ю. Парпиева;
- 2) У.Курбанбаева;
- 3) Д.Мухамедзянова.

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** жамият ижроия органи раҳбари-бош директори К.Юсупов сўзга чиқиб, 2022 йилдаги фаолияти бўйича хисобот берди (хисобот илова қилинади).

Хисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича хисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директор К.Юсуповга тегишли топшириклар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ж.Жуманиязов акциядорлардан бош директорнинг 2022 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг хисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

#### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 351 904 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йифилиши қарор қиласди:

**1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2022 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** жамият бош ҳисобчиси Ю.Парпиевага сўз берилди ва у йифилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик баланси ва молиявий натижалари билан йигилиш қатнашчиларини таништириди (йиллик баланс ва молиявий натижа илова қилинади).

Йифилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев акциядорлардан жамиятнинг 2022 йиллик баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 351 904 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йифилиши қарор қиласди:

**1. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик баланси ва молиявий натижалари тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича** бош ҳисобчи Ю.Парпиева сўзга чиқиб, жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2023 йил 27 апрелдаги аудиторлик текшируви хulosаси билан йифилиш иштирокчиларини таништириди.

“GREAT FOURS” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хulosаларида “Қорасув пахта тозалаш” АЖнинг 2022 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ.

Йифилишда раислик қилувчи Ж.Жуманиязов акциядорлардан 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “GREAT FOURS” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2023 йил 27 апрелдаги аудиторлик текшируви хulosаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 351 904 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йифилиши қарор қиласди:

**1. “GREAT FOURS” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2023 йил 27 апрелдаги аудиторлик текшируви хуносалари тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича** жамият қузатув кенгаши аъзоси Ж.Жуманиязов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига қузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (ҳисобот илова қилинади).

Ҳисоботда асосан қузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар, йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев акциядорлардан жамият қузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 351 904 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласи:

**1. Жамият қузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев сўзни жамиятнинг бош директори К.Юсуповга берди.

К.Юсупов йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала билан танишиди.

Жамият ташқи аудит текширувидан ўтказилиб тасдиқланган бухгалтерия баланси маълумотига кўра 2022 йилни 8 529 минг сўм зарар билан якунлаганини ва ушбу кўрилган заарнинг асосий манбаларига изох бериб келгусида бу холатни олдини олиб сарф-харажатларни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлигини йиғилиш қатнашчирига айтиб ўтди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 351 904 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қиласи:

**1. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича кўрилган – 8 529 минг сўм зарари маълумот учун қабул қилинсин:**

**2. Жамият бош директори К.Юсупов шахсан бундай холат такрорланмаслиги юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширилаётган ишлар юзасидан хар чоракда жамият қузатув кенгашига ва “Ўзпахтасаноат” АЖ Лойиха офисига белгиланган муддат ва тартибда ахборот бериш таъминласин.**

**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев сўзга чиқиб, жамият бош директори К.Юсупов ваколати тугаганлиги ва у билан шартнома муддатини узайтириш ёки бош директор тайинлаш масаласини кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Бундан сўнг, йиғилиш қатнашчилари жамият бош директори К.Юсупов фаолияти давомида эришган ютуқларини айтиб, “Қорасув пахта тозалаш” АЖ бош директори К.Юсупов билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2023 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтириш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 351 904 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. “Қорасув пахта тозалаш” АЖ** Бош директори Юсупов Комил Қаландарович билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2023 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтирилсин.

**2. Жамият номидан** Бош директор Юсупов Комил Қаландарович билан меҳнат шартномасини (шартномани амал қилиш муддати – 2023 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача) имзолаш ваколати Кузатув кенгаши раисига берилсин.

**3. Жамият** Бош директори К.Юсуповга:

- ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк хужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган ваколат ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш хукуки берилсин;

- “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиҳа офиси хамда “Тошкентпахтасаноат” ҲАБ АЖ томонидан бажарилиши белгиланган бўйруқ ва топшириқларни ўз вақтида амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

**Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича** жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори К.Юсупов сўзга чиқиб, жамиятда 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди:

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва раками	Хизмат хаққи (минг сўмда)
1	“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ	15.04.2023й. 42/23-сон	11 000,0

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Хизмат хаққи (минг сўмда)
2	“XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ	10.05.2023 йил №85-23	11 000,0
3	“SAMIMIY AUDIT” МЧЖ	17.04.2023 йил	10 000,0
4	“WISE RESOLVER” МЧЖ	16.05.2023 йил №3	8 500,0
5	“GREAT FORUS” МЧЖ	15.05.2023 йил №11/05A	9 000,0

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев акциядорларидан 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган хақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 351 904 та овоз ; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувани:**

-Аудиторлик текширувани ўтказиш учун “GREAT FORUS” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган хақнинг миқдори - 9 000,0 минг сўм белгилансин;

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилоти билан белгиланган тартибда шартномани тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва хуносаларни киритсин.

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича** жамият бош хисобчиси Ю.Парниевага сўз берилди ва у 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништириди (йиллик ҳисобот ва бизнес-режа илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев акциядорлардан жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 351 904 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансанин.**

**Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 351 904 дона акция эгаси “Тошкентпахтасаноат” ҲАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

1. Унга асосан Кучкаров Тохир Мўминджанович - “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш лойиха оғиси, Атаҳаджаев Рахим Султанович – “Тошкентпахтасаноат” ҲАБ АЖ Қимматли қофозлар бўйича мутахассис, Абдулаҳатова Лола Хайтжоновна – Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 76-моддасига кўра, жамият кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланиши белгиланганлигини мъалум қилди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

Кучкаров Тохир Мўминджанович:

**“Ёқлаганлар” – 351 904 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Атаҳаджаев Рахим Султанович:

**“Ёқлаганлар” – 351 904 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Абдулаҳатова Лола Хайтжоновна:

**“Ёқлаганлар” – 351 904 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қўйидагилар уч йил муддатга сайлансин:**

**“Тошкентпахтасаноат” ҲАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

2. Кучкаров Тохир Мўминджанович – “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш лойиха оғиси;

3. Атаҳаджаев Рахим Султанович – “Тошкентпахтасаноат” ҲАБ АЖ Қимматли қофозлар бўйича мутахассис;

**4. Абдулахатова Лола Хайтжоновна – Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси -бўлим бошлиғи.**

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича** жамиятнинг бош директори К.Юсупов сўзга чиқиб, жамият ижро органи ходимларининг янги штат жадвали билан йиғилиш қатнашчиларини таништириди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев акциядорлардан жамиятнинг янги штат жадвалини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 351 904 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамиятнинг янги штат жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича** йиғилиш раиси А.Мухаммадиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан жамиятнинг мол-мулки кластер корхоналарига бўлиб тўлаш шарти билан сотилганлигини ва “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 марта “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сон қарорига мувофиқ “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатилаётганлигини таъкидлади.

Шу муносабат билан жамият омборида сақланаётган ҳозирда фойдаланишга яроқсиз, манан эскиган моддий бойликларни ўрнатилган тартибда, тегишли хужжатларни расмийлаштириб, ваколат доирасида ижро органи томонидан ҳисобдан чиқарилишига розилик беришни таклиф этди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 351 904 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамият омборида сақланаётган ҳозирда фойдаланишга яроқсиз, манан эскиган моддий бойликларни ўрнатилган тартибда, тегишли хужжатларни расмийлаштириб, ваколат доирасида ижро органи томонидан ҳисобдан чиқарилишига розилик берилсин,**

**Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев сўзга чиқиб, акциядорларни жамият ижроия органи

томонидан тайёрланган жамиятнинг янги таҳрирдаги “Низоми” билан таништириди ва тасдиқлаш таклифини киритди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” 351 904 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий иғилиши қарор қиласди:

**1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Низоми” иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

-жамиятнинг янги таҳрирдаги “Низоми”ни рўйхатдан ўтказсин ва жамият фаолиятига татбиқ этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

**Йиғилишда раислик қилувчи:**  А.Мухаммадиев

**Йиғилиш котиби:**  Д.Ниязова

Йиғилиш баённомаси имзоланган сана 2023 йил “03” июль.

**«Қорасув пахта тозалаш» АЖ ижро органига сайланган номзод  
МАЪЛУМОТЛАРИ**

<b>№</b>	<b>Ижро органига номзоднинг Ф.И.О.</b>	<b>Иш жойи</b>	<b>Лавозими</b>	<b>паспорт маълумотлари (серияси, қачон, ким томонидан берилган)</b>
1.	Юсупов Комил Қаландарович	«Қорасув пахта тозалаш» АЖ	Бош директор	АВ 1291976 29.09.2015 й Хоразм вилояти, Янгибозор туман ИИБ томонидан берилган

**Кузатув кенгашига сайланган номзодлар  
РЎЙХАТИ**

<b>№</b>	<b>Кузатув кенгашига номзоднинг Ф.И.О.</b>	<b>Иш жойи</b>	<b>Лавозими</b>	<b>паспорт маълумотлари (серияси, қачон, ким томонидан берилган)</b>
1.	Кучкаров Тохир Мўминджанович	«Ўзпахтасаноат» АЖ тутатиш лойиха оғиси	Бошқарма бошлиғи	АА 6036796 28.06.2018 й Тошкент вилояти, ИИБ томонидан берилган
2.	Абдулаҳатова Лола Хайтжоновна	Давактив агентлиги Тошкент вилояти худудий бошқармаси	Бўлим бошлиғи	АА 2732425 24.08.2013 йил Жиззах вилояти Жиззах шаҳри ИИБ томонидан берилган
3.	Атахаджаев Рахим Султанович	«Тошкентпахтасаноат» ҲАБ АЖ	Қимматли қоғозлар бўйича мутахассис	АВ 0744497 13.08.2015 й Тошкент вилояти Ўртачирчик туман ИИБ томонидан берилган